БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 294 (3795)
26 СЕШАНБА
ДЕКАБРЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• *Меҳнатда пешқадамлар*

УСТОЗЛАР ЎРНАК БЎЛИШЯПТИ

Қодир Қосимов оддий темирчи. Кўп минг кишилик коллектив ўртасида унинг номини танитган ҳам ана шу касби бўлди. Суяги темирчиликда қотган Қодир ишбилармонлиги, ўткир зеҳни, касбдошларига меҳрибонлиги билан пресслаш цехи ишчилари ўртасида тез-тез тилга олинадиган, цехда илғор бўлиб қолди.

Қодирдаги яна бир яхши хислат — унинг ташаббускорлиги дир. Республикамизда ўнлар ташаббуси бошланганда Қ. Қосимов пехда биринчи бўлиб ташаббусга қўшилди. Бу ҳаракат Ўзбекистон тўқимачилик машинасозлиги бирлашмасининг бошқа цехларида кенг қулоч ёйди. Бугунги кунда тўрт мингдан ортиқ киши ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақага жалб этилган.

Пресслаш цехининг темирчиси Қ. Қосимов ва унинг издошларидан шу цех автоматчиси И. Қоратоев, асбобсозлик цехидан токарь В. М. Плетинин, М. Кулибоев, механика цехидан йўнувчи В. А. Ржанников, фрезерчи М. Аҳмедовлар тўрт минг кишилик коллектив ўртасида рекорд қўйишди. Бу машъаллар ўнинчи беш йиллик шахсий топшириқларини икки ярим йилда бажаришди. Ҳозир улар 1981 йилнинг сўнгги ойлари ҳисобига маҳсулот беришяпти.

Устозлар намунасидан ўрнак олган фидокорларнинг баракаля ва сифатли ишлари ўзининг ижобий самарасини беряпти. Коллектив зардоб йилни зардборона якунлар экан, ўтган ўн бир ойликка белгиланган план 2,6 процент ортиғи билан адо этилди.

БУГУН

«ЎЗБЕКТЕКСТИЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ИЛ БОШИДАН БУЕН ПЛАНГА ҚЎШИМЧА РЕАЛИЗАЦИЯ КИЛГАН МАҲСУЛОТИ ҲАЖМИ БИР МИЛЛИОН СЎМЛИККА ЕТДИ.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

БУГУН

Кўйлиқдаги кўпқибоп темир-бетон конструкциялари заводи коллективи йиллик халқ хўжалик планини муддатидан илгари ошириб бажарди. Корхона коллективи маҳсулот реализация қилиш, товар маҳсулот тайёрлаш ва буюртмачиларга номенклатура бўйича маҳсулот етказиб бериш топшириқларини ҳам ado этди. Йиллик планнинг бажарилишига Б. Сатторов ва Х. Фатехов бошчилигидаги бетончилар бригадалари айниқса, катта ҳисса қўшдилар.

Завод меҳнат аҳли йил охиригача яна 200 минг сўмликдан кўпроқ кўпқибоп конструкциялар тайёрлаш мажбуриятини олди. Ана шу маҳсулотнинг бир қисми Байкал-Амур магистрали қурувчилари ихтиёрига юборилади.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар тўғрисида» Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни эълон қилинган.

● Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг 25 декабрь куни бўлиб ўтган пленумида касаба союз ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленуми қарорларидан ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди.

● Ўзбекистон театр жамиятининг 25 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтган пленумида шу жамиятнинг КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган тадбирлари қандай бажарилаётганлиги ва театр томоша ташкилотлари ходимларининг КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленуми талаблари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кўриқ» китобида баён этилган қонда ва хулосалар асосидаги вазифалари муҳокама этилди.

X ЧАҚИРИҚ ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

«ССР Олий Советига сайловлар тўғрисида»ги СССР қонунининг 28-моддаси асосида халқ депутатлари область Советининг ижроия комитети ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Тошкент шаҳри бўйича X Чақириқ ССР Олий Советига сайловлар ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг состави жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг қуйидаги вакилларидан иборат тасдиқлансин:

600-ТОШКЕНТ—ЛЕНИН САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА:

Округ сайлов комиссиясининг раиси **Комилов Сулаймон** — Ленин район коммунистик ташкилотидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — **Ҳайдаров Тўйчи** — Ленин район коммунистик ташкилотидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари **Романова Клара Ивановна** — Фрунзе номли 60-мактаб педагогик коллективи ва хизматчиларидан.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари:

Жалилова Масуда — «Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Безрук Ольга Григорьевна — «Главстройиндустрия» 1-сон темир-бетон буюмлари заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Динин Михаил Львович— Туркистон ҳарбий округи Тошкент гарнизонининг ҳарбий хизматчиларидан.

Кудирова Ирина Максимовна — Тошкент абразив буюмлари комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Маршалов Евгений Александрович — Октябрь революцияси номли тепловоз-ремонт заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Монаева Мария Дмитриевна — «Ўзбекистон тери маҳсулотлари бирлашмасининг ишчилари, инженер техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Самигова Назми — Тошкент 1-пойафзал фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Селезнёва Нина Ивановна — В. И. Ленин номли электрон техника заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Умарова Дилором — «Красная Заря» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Холманонов Комилжон — Тошкент тўқимачилик комбинати 2-фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан

Шоёқубов Қозоқбой Шомаҳмудович — Тошкентдаги махсус мебель заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Швейковская Татьяна Серафимовна — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Сергели район ташкилотидан.

601-ТОШКЕНТ—КИРОВ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА:

Округ сайлов комиссиясининг раиси **Машарипов Шоназар** — Тошкент экскаватор заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — **Колбасин Геннадий Владимирович** — Куйбишев район коммунистик ташкилотидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари **Болтабоева Раъно Насриддиновна** — В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари:

Абдуллаев Абдунаби Абдукаримович — 83-шаҳар ҳунар-техника билим юрти ўқитувчилари ва хизматчилари коллективидан.

Александров Евгений Иванович — Пахтачилик машиналари бўйича ихтисослаштирилган давлат конструкторлик бюроси ишчилари, хизматчилари ва мутахассисларидан.

Бархатова Наталья Александровна —Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Куйбишев район ташкилотидан.

Воҳидов Ирисмаҳамад — «Главташкентстрой»га қарашли «Висотстрой» 11-трестининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Гладкова Анна Васильевна — «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Горбунов Иван Александрович — Туркистон ҳарбий округи штабининг шахсий составидан.

Иваненко Николай Никитович — ЎзССР Фанлар академияси физика-ядро институтининг коллективидан.

Пайзибоев Рахимбой Исаевич — «Ташсельмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Просвирнина Клавдия Степановна — Республика ёйлов мелиоратив қурилиш бирлашмаси ишчилари, хизматчилари ва мутахассисларидан.

Стариков Олег Николаевич — «Ўзбекхлопкомаш» бирлашмаси машинасозлик заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Федотова Валентина Ивановна — Тошкент ёғ-мой комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Шахабуддинова Нурия Салиховна — Ўзбекистон КП ва ЎзССР 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

602-ТОШКЕНТ—ОКТЯБРЬ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА:

Округ сайлов комиссиясининг раиси **Мўминов Марат Муҳамедович** — Ўзбекистон ССР Госпланига қарашли илмий-техника ахборот ва техникавий-иқтисодий изланишлар илмий-текшириш институтининг коллективидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — **Викторов Анатолий Евгеньевич** — Октябрь район коммунистик ташкилотидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари **Степаненко Ольга Яковлевна** — «Миконд» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари:

Обиджонова Инобат — «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Денисова Татьяна Александровна — Тошкент агрегат заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Жуманиёзова Сайёра Отақуловна — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Октябрь район ташкилотидан.

Каримбобоев Уткир Алимович — «Компрессор» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Маҳомедов Эргаш—«Главташкентавтотранс» 1-автокомбинатининг ҳайдовчилари ва хизматчилари составидан.

Неустраева Ольга Ивановна — Тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Пантелеев Анатолий Аверьянович — Октябрь район коммунистик ташкилотидан.

Султонқулова Ҳурият — Бадиий буюмлар фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Сироткина Галина Александровна — Тажриба механика экскаватор ремонти заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Султонова Талия Ғуломовна — 7-шаҳар болалар касалхонаси ходимларидан.

Фердинанд Антонина Петровна — шаҳарлараро телефон станцияси коллективидан.

Ҳайдаров Ҳасан — Офсет босма фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

603-ТОШКЕНТ—ЧИЛОНЗОР САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА:

Округ сайлов комиссиясининг раиси **Мирзабоев Олим Аънзович** —Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги бош архив бошқармасининг коллективидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — **Шермуҳамедов Пирмуҳамад** — Чилонзор район коммунистик ташкилотидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари **Лайкова Валентина Александровна** — Чилонзор савдо маркази ишчилари ва хизматчиларидан.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари:

Ахмедов Сандакбар Ходжаевич — ҳарбий хизматчилардан.

Шадрина Тамара Ивановна — «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Ташкенткабель» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Шведова Элла Ивановна — Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги радиоэшиттириш, радио алоқа ва телевидение республика узели ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Шмакова Валентина Ивановна — Тошкент трамвайтроллейбус бошқармасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

116-ТОШКЕНТ — ЧИЛОНЗОР САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси **Довидбоев Ҳайрулла Қўшоқович** — пахта тозалаш саноати марказий илмий-тадқиқот институт ходимлари коллективидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари **Исмонлова** Санобар Назиржоновна — Тошкент шаҳар Сергели район коммунистик ташкилотидан

Округ сайлов комиссиясининг секретари **Гринблад** Людмила Леонидовна — Тошкент шаҳар Фрунзе район халқ маорифи бўлими ходимлари коллективидан.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари:

Гафурова Фарогат Аҳматовна — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Тошкент шаҳар Чилонзор район ташкилотидан.

Горькова Наталья Дмитриевна — Тошкент тўқимачилик комбинати ип йигирув фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Ермакова Анна Ивановна — Тошкент заргарлик заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Ильин Александр Алексеевич — Тошкент шаҳар 5-таксомотор парки ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Лисицин Геннадий Данилович — «Таштекстильмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Овчинникова Мария Тимофеевна — Тошкент шаҳар «Сигнал» бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Роҳатова Муқаддам Ҳолиқовна — Тошкент электр механика заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Рикичинский Андрей Андреевич — Тошкент шаҳар 4-автомобиль парки ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Солижонова Тожи Юсуповна — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Тошкент шаҳар Фрунзе район ташкилотидан.

Тошўлатов Юсуп Солиевич — Тошкентдаги «Офтобқирқар» қурилмалар заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Федотова Тамара Алексеевна — «Главташкентстрой»га қарашли «Отделстрой» трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан

Ушакова Раиса Ивановна — «Главташкентстрой»га қарашли 153-қурилиш трести 1-қурилиш бошқармасининг ишчилари, инженер-техник ходимларидан.

117-ТОШКЕНТ — ОКТЯБРЬ САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси **Муҳамадалиева** Қутби Ҳикматуллаевна — Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги ходимлари коллективидан.

Округ сайлов комиссиясининг ўринбосари **Муралов** Виктор Игнатьевич — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район коммунистик ташкилотидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари **Ёқубов** Комил Машарипович — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономика институти ходимлари коллективидан.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари:

Безделов Анатолий Филиппович—Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг «Геологоразведка» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Бердинов Константин Федорович —Тошкент шаҳридаги корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Богословцева Нина Петровна —«Главташкентстрой»га қарашли «Жилстрой» трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Вахрушева Наталья Николаевна — Тошкент шаҳар «Матбуот» полиграфия бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Гуломов Хикматилла Ғуломович —Тошкент шаҳар Марказий телеграфи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Зиёдов Мирилёс —Тошкент шаҳар 127-автомобиль корхонаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Камолова Санобар —Тошкент шаҳар Қўчқор Турдиев номли 39-мактаб ходимлари коллективидан.

Маърупхўжаева Гавҳар — Ўзбекстон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район ташкилотидан.

Терентьева Валентина Сергеевна —«Главташкентстрой»га қарашли «Строймеханизация» трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Умаров Хуснидин Зуфарович —«Ўзбексельмаш» бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимларидан.

Элебоева Зуҳра Раҳимовна —Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Тошкент шаҳар Киров район ташкилотидан.

Ёқубов Маҳмуд —Тошкент чинни заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Х. ПУЛАТОВА.

1978 йил, 25 декабрь.
Тошкент шаҳри.



Ушбу фотолавҳада Ленин орденли Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 6-цехининг бир группа зардбор ишчиларини кўриб турибсиз. Техника назорати бўлими назоратчиси (чапдан ўнгга) Татьяна Левачина, тикувчи Вазира Нуъмонова ва мастер Муҳаббат Орипова маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти. Бу пешқа дамлар смена топшириқларини мунтазам 20—30 процентга ошириб адо этмоқдалар.

СУРЪАТНИ ОШИРИБ

Шу кунларда пойтахтимизда яна бир муҳташам объект қад кўтармоқда. Бу бино область ўқитувчилар малакасини ошириш институтидир. Педагогика кўчасида қурилаётган бу иншоотда «Главташкентстрой»нинг 4-трестига қарашли 38-қурилиш бошқармасининг Ортиқ Йўлдошев бошлиқ комплекс бригадаси иш олиб бормоқда. Қатор йирик объектларни қуришда қатнашиб, катта тажриба орттирган бригада бугунги кунда ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили сўнгги ойлари ҳисобига меҳнат қилмоқда. Иншоотни йил охирига қадар топшириш ниятида бригада аъзолари зиммаларига юкланган барча вазифаларни шараф билан адо этиб, кунлик нормани 20—25 процент ошириб бажаришга эришмоқдалар.

— Бу меҳнат муваффақиятларига коллектив маҳоратини ошириб бориш билан эришяпмиз, — дейди биз билан суҳбатда Ортиқ Йўлдошев. — Бригадамиздаги ўн тўрт ишчининг ҳар бири уч-тўрт касбни мукаммал билади. Меҳнатимизнинг баракали бўлишида ана шу омил ёрдам бермоқда.

Дарҳақиқат, ғишт териш, бетон ётқизиш ва ёғоч-тахта ишларини коллективнинг ҳар бир аъзоси уддалай олади. А. Климов, Р. Саидов, Т. Клуева ва Д. Фахриддинов каби илғорлар шулар жумласидандир. Улар кунлик нормани 180—200 процент қилиб бажаришга эришмоқда.

Музикали адабий кеча

БУГУН

Акмал Икромов райониди Усмон Юсупов номли маданият уйида район китобхонларининг конференцияси ўтказилди. Белинский номли кутубхона билан ҳамкорликда ташкил этилган ана шу музикали адабий кечада шу кутубхона мудираси А. И. Адаева, маданият уйининг методистлари В. А. Азизова, Э. А. Уланова, пианист С. А. Коган, талантли ёзувчи Чингиз Айтматовнинг мазмунли ижоди ҳақида гапириб бердилар. Унинг қиссаларидан парчалар ифодали ўқилди. Кечада ёзувчи асарларининг ғоявий мазмунига ҳамоҳанг бўладиган музика асарлари янгради.

АҲОЛИ ЎРТАСИДА

Октябрь районидаги Алишер Навоий номли маданият уйи «Зарафшон» маҳалласида қизиқарли савол-жавоб кечаси уюштирди. Социалистик қонунчилик мавзусида ўтказилган кечага район халқ судди, прокуратураси ва милиция бўлинмининг ходимлари таклиф этилдилар. Улар ўзларининг жамоат тартибини сақлаш юзасидан олиб бораётган ишлари ҳақида гапириб бердилар, қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

Маданият уйи ходимлари «Ҳақиқат» маҳалласида уюштирган лекция эса совет турмуш тарзи масалаларига бағишланди. Коллектив райондаги бошқа маҳаллаларда ҳам маданий-тарғибот ишлари олиб бориш тадбирларини белгилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА ЎЗБЕКИСТОН ССРдан САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми «СССР Олий Советига сайлов тўғрисида» СССР Қонунининг 25 ва 28-моддаларига мувофиқ **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССРдан ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари жамоат ташкилотлари ҳамда меҳнат коллективларининг қуйидаги вакилларидан иборат составда тасдиқлансин:

Тошкент шаҳри бўйича:

115-ТОШКЕНТ—ЛЕНИН САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси **Ашрапова** Мухаддам — Тошкент давлат медицина институти профессорлари, ўқитувчилари ва студентларидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари **Внучков** Геннадий Гаврилович — Тошкент шаҳар Ҳамза район коммунистик ташкилотидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари **Холматов** Ҳамид Холматович — Тошкент фармацевтика институти профессорлари, ўқитувчилари ва студентларидан.

Округ сайлов комиссияси аъзолари:

Абдурасулов Ҳусан — «Узхлопкомаш» машинасозлик заводи бирлашмасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Одилова Лариса Вячеславовна — Тошкент шаҳар телефон станциясининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Валихўжаев Ғайрат Солиевич — Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги тажриба-механика заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Исмоилов Юрий Абдукаримович — Тошкентдаги эталон заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Уткин Михаил Григорьевич — ҳарбий хизматчилардан.

Шадрина Тамара Ивановна — «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Ташкенткабель» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Колотно Александр Иванович — Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Маҳсудхўжаева Раънохон — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ядро физикаси институтининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Мирсаматова Маъсуда Мирсаматовна — Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Носкова Татьяна Васильевна — Тошкент В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Ермакова Анна Ивановна — Тошкент заргарлик заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Ильин Александр Алексеевич — Тошкент шаҳар 5-таксомотор парки ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Лисицин Геннадий Данилович — «Ташгекстильмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Овчинникова Мария Тимофеевна — Тошкент шаҳар «Сигнал» бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Роҳатова Муқаддам Ҳолиқовна — Тошкент электр механика заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Рикичинский Андрей Андреевич — Тошкент шаҳар 4-автомобиль парки ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Солижонова Тожи Юсуповна — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Тошкент шаҳар Фрунзе район ташкилотидан.

Тошўлатов Юсуп Солиевич — Тошкентдаги «Офтобқирқар» қурилмалар заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Федотова Тамара Алексеевна — «Главташкентстрой»га қарашли «Отделстрой» трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан

Ушакова Раиса Ивановна — «Главташкентстрой»га қарашли 153-қурилиш трести 1-қурилиш бошқармасининг ишчилари, инженер-техник ходимларидан.

117-ТОШКЕНТ — ОКТЯБРЬ САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси **Муҳамадалиева** Қутби Ҳикматуллаевна — Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги ходимлари коллективидан.

Округ сайлов комиссиясининг ўринбосари **Муралов** Виктор Игнатьевич — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район коммунистик ташкилотидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари **Ёқубов** Комил Машарипович — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономика институти ходимлари коллективидан.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари:

Безделов Анатолий Филиппович—Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг «Геологоразведка» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Бердинов Константин Федорович —Тошкент шаҳридаги корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Богословцева Нина Петровна —«Главташкентстрой»га қарашли «Жилстрой» трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Вахрушева Наталья Николаевна — Тошкент шаҳар «Матбуот» полиграфия бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Х. ПУЛАТОВА.

1978 йил, 25 декабрь.
Тошкент шаҳри.

телетайп лентасидан

● **ГАВАНА.** Кубадаги Санта-Клара шаҳри яқинида жойлашган Агилар Норьеги номли йирик механика заводининг коллективи ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришди. Завод қанд саноат ишлаб чиқаришга ихтисослашиона. Корхона меҳнатчилари шу йил планини 15 декабрдаёқ бажардилар.

Агилар Норьеги номли завод ҳозирги вақтда катта қурилиш майдончасидир. СССР билан ҳамкорликда унинг ишлаб чиқариш қувватларини анча кенгайтирилмоқда. Қурилишда кубалик инженер ва техниклар билан ёнма-ён совет мутахассислари ҳам меҳнат қилмоқда.

● **ЛОНДОН.** Буюк Британиядаги Би-Би-Си миллий радиоэшиттириш ва телевизион корпорациясининг техник ходимлари бошлаган забастовка уларнинг талабаси билан тугади. Меҳнаткашларнинг тазйиқи остида компания маъмурияти илгари ишдан бўшатилган 12 хизматчини қайтиб ишга олишга мажбур бўлди ва иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талабни бажаришга тайёр эканлигини айтди.

● **РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО.** Бу йил Бразилияда миллий пул бирлиги — крузейро девальвация қилиниши 15-марта эълон қилинди. Бир йил ичида унинг қиммати Америка долларига нисбатан 30 процент пасайиб кетди. (ТАСС).

БИЛДИРИШ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шуни маълум қиладики, халқ депутатлари XVI чақириқ Тошкент шаҳар Советининг саккизинчи сессияси 1978 йил 27 декабрь соат 11.00 да Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй) чақирилади.

Депутатлар ўша жойнинг ўзида соат 10.00 дан рўйхатга олинадилар.

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Мажбуриятлар изидан

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» НИНГ «ЖИЛСТРОЙ» ТРЕСТИ, 1-УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ БИЛАН 2-УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ, «ТАШИНЖСТРОЙ» ТРЕСТИ БИЛАН «ТАШТРАНССПЕЦСТРОЙ» УРТАСИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА

Йилни зарбдор меҳнат билан якунлайлик

Ўзаро мусобақадош «Жилстрой» трести билан 1 ва 2-уйсозлик комбинатларининг коллективлари беш йилликнинг учинчи йилини муносиб меҳнат совғалари билан якунлашмоқда. Буни мусобақадош трестлар томонидан қуриб, фойдаланишга топширилган объектлар ҳам исботлаши мумкин. «Жилстрой» трести ва 1-уйсозлик комбинати турар жойлар қуриб фойдаланишга топшириш билан бирга, бошқа кўп техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ҳам планларни ошириб бажаришди.

Бу ишда ҳам коммунистлар пешқадамлик қилишга интилди. «Жилстрой» трестида Октябрь район партия комитетининг аъзоси Баҳодир Шукуровни яхши билишади. Бу ишлаб чиқариш пешқадами бош бўлган бригада табиий офатдан зарар кўрган Бухоро ва Фарғона шаҳарларида 53 минг квадрат метрдан зиёд турар жой бинолари, 1176 ўринли мактаб, 280 ўринли болалар боғчаси ва кафе биноларини қуриб фойдаланишга топширди.

Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Виктор Демидов бошлиқ бригада ҳам ўз мусобақадошидан ортда қолмайди. Темир-бетон панелларини монтаж қилишнинг илғор усулларини қўллаб меҳнат қилаётган бригада коллективи икки йилу тўққиз ойда ўнинчи беш йиллик топшириқни бажарди. Шу кунларда эса 1981 йилнинг меҳнат календари бўйича ишлаяпти. 2-уйсозлик комбинати ўтган ўн бир ойда яхши ишлади. Айни кунларда комбинатда уй-жойларни тезроқ ишга туширш, йиллик планни ҳам ошириб бажариш учун барча имкониятлар ишга солиняпти.

* * *

«Ташинжстрой» трести коллективи ўн бир ойлик планга қўшимча 700 минг сўмликдан зиёд қурилиш ишларини амалга оширди. Трест ўз кучлари ва бош пудрат ишлари планларини ҳам ошириб бажарди. Планга қўшимча иккита объект фойдаланишга топширилди. Бу соҳа топшириғи 109,6 процентга адо этилди.

Бироқ, трест маҳаллий Советлар объектларини қуриш топшириғини бажармади. «Главташкентстр о й»нинг саноат корхоналари Бош бошқармаси Фурқат кўчасидаги коллектор қурилиши учун материаллар етказиб бермаяпти. Бу объект қурилишида «Ташинжстрой» 258 минг сўмлик ишни удаламади. Бундан ташқари турли қурилиш ташкилотлари трестга йўл қуриш учун иш фронти ҳозирлаб беришмаяпти. Натижада трест 206 минг сўмлик иш бажармади.

«Таштранс с п е ц строй» трести йилни яхши якунлаяпти. 1 декабргача мавжуд 76 та бригаданинг 23 таси йиллик планни адо этди. 8 декабрда 37-қурилиш бошқармаси ҳам йиллик планни бажарди. Бошқарма меҳнат аҳли йил охирига қадар планга қўшимча яна 100 минг сўмлик иш бажаришга аҳд қилди.

Трест қўлга киритаётган ютуқларга 2-қурилиш бошқармасининг Л. Полянский бошлиқ участкаси, Т. Эсонбоев, М. Ходиев, Х. Ҳамидулин бошлиқ бригадалари катта ҳисса қўшишмоқда.

1978 йил январь — ноябрь ойлари асосий кўрсаткичлари

	Қурилиш трестлари				
	«Жилстрой»	1-уйсозлик комбинати	2-уйсозлик комбинати	«Ташинжстрой»	«Таштранспецстрой»
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши (процентларда)					
а) бош пудрат бўйича	101,3	101,0	80,6	105,6	102,8
б) ўз кучлари билан	103,3	100,1	88,6	104,6	101,6
Иш ҳажмининг ўсиш суръатларини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)					
а) бош пудрат бўйича	107,8	146,0	134,4	98,4	99,8
б) ўз кучлари билан	107,2	123,2	100,3	99,7	99,0
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари	103,4	102,3	87,8	97,7	100,3
Меҳнат унумдорлигининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиши	109,6	114,4	99,4	102,9	106,5
Планни бажармаган бошқармалар					
а) бош пудрат бўйича	1	1	2	—	1
б) ўз кучлари билан	—	—	5	—	1
Уй-жой қурилиши планининг бажарилиши (процентларда).	100,5	101,8	80,3	—	—
Мактаблар қурилиши планининг бажарилиши (процентларда)	250,0	—	—	—	—
Мактабгача болалар муассасалари қурилиши планининг бажарилиши.	680,0	—	—	—	—
Маҳаллий Советлар объектлари қурилиши планининг бажарилиши	92,5	104,8	80,1	72,4	98,1
Йил бошидан фойдаланишга топширилган объектлар сони	35	88	21	23	—
Ўртача баҳоси (балларда).	3,7	3,3	3,1	4,49	3,8
Бригада пудрат методи бўйича ишлаётган бригадалар сони	28	34	26	10	9

БИР КОРХОНА ХУШХАБАРЛАРИ

ЗАВОДДА — УНИВЕРСИТЕТ

«Миконд» заводида икки йилдан ортиқ вақтдан буён техника-иқтисодий тараққиёт университети ишлаб турибди. Университетда тўртта: ишлаб чиқаришни илмий бошқариш асослари, иқтисодий, технология, автоматлаштириш ва механизациялаштириш факультетлари бўлиб, уларда корхонадаги бир юз эллика яқин мастер маълумоти қай даражада эканлигидан қатъий назар, ўз малакасини оширмоқда. Бу йил ишлаб чиқаришни илмий бошқариш факультетини 12 киши тамомлади. Ш. Каримов, А. Пивкин, Ю. Шилатковский каби ишчилар ҳозирда цехларга бошчилик қилишмоқда.

Корхонанинг ишлаб чиқариш кадрлари Москва, Ленинград, Одесса, Новгород, Рига каби шаҳарлардаги курсларда ўз малакаларини ошириб қайтмоқдалар. Мастерларнинг ишлаб чиқаришда тутган ўрни ва роли цех партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари йиғилишида муҳокама этиб турилади.

ЕТАКЧИ ЎРИН ЭГАЛЛАНДИ

Корхонадаги ишлаб чиқариш цехларининг фаолияти доимо ишлаб чиқариш-оммавий комиссия эътиборида бўлиб туради. Комиссиянинг чиққан хулосасига кўра, 3-цех коллективи мусобақада биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, 12-цех коллективининг яхши ишлаётганлиги қайд этилди.

12-цех коллективи ишлаб чиқариш топшириқларини доимо ошириб адо этмоқда. Масалан, ноябрь ойида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 7 процент оширилди. Ишлаб чиқаришда ўзлаштирилган янги буюмлар топшириш кўпайди.

БУГУН

цех коллективи беш йилликнинг зарбдор йили топшириғини муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида хушхабар тарқалди. Бундай ютуққа эришишда мастер И. Абдураҳмонова бошлиқ бригада, И. Шарапова, С. Дадаева, Х. Исоқова каби ишчиларнинг ҳиссалари катта.

«ДАМБАЙ»ГА ЙЎЛЛАНМА

Ш. Мейерманова, Р. Шарапова, Ф. Шайдеман, Н. Габбасова, Л. Сереженко каби ишчилар ўрта маълумот ҳақидаги етуклик аттестати билан заводнинг 12-цехига ишга келишган эди. Улар ўзларининг чақконлиги, ишбилармонлиги билан тезда йигувчилик касбини ўрганиб, ҳозирда илғор ишчилар сафидан ўрин олишган.

Бу ишчилар ўз коллективларининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини оширишда аралаш касб эгаллашлари муҳим аҳамият касб этажаклигини тушунадилар. Ишлаб чиқариш талаб қилган пайтда юқори унум билан ҳар қандай вазифани уддалай оладилар. Ишчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақада ғолиб чиққан йигувчи Ш. Мейерманованн корхона касаба союз комитети Халқаро ёшлар лагери «Дамбайга» бориб дам олиши учун йўлланма билан мукофотлади.

Жаҳон ойнаси

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ПОЛЯК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ҒАЙРАТ-ШИЖОАТИ

ВАРШАВА. Кенг рационализатор л и к ҳаракати поляк меҳнаткашларининг меҳнатдаги активлиги ўсганлигини, социалистик ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан қизғин манфаатдорликлар и н и яққол кўрсатиб турибди. Новаторлар кейинги етти йил мобайнида 1,8 миллион рационализаторлик таклифларини киритдилар. Ҳар йили 5—6 мингта ихтироларга патент берилмоқда. Новаторлар ижодий фикрининг рўёбга чиқиши 22 миллиард злотий миқдорида иқтисодий самара берди. Польша жамиятида ги қулай иқтисодий ислоҳотлар, жумладан аҳоли билим даражасининг ошганлиги техника ижодкорлигининг ривожланишига имконият яратди.

Етмишинчи йилларда олий маълумотли мутахассислар 500 минг кишидан 746 минг кишига кўпайди.



ОБЪЕКТИВДА — ГРЕЦИЯ ПОЙТАХТИ.

СУРАТДА: Грекия парламенти. ТАСС фотохроникаси.

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ИЖОДИ

БЕРЛИН. ГДР меҳнаткашларини н г 80 процентидан кўпи мамлакат корхоналарида 1979 йилги ишлаб чиқариш планларини муҳокама қилишда қатнашдилар. Эркин немис касаба союзлари бирлашмаси ташаббуси билан ўтказилаётган бу мунозаралар ҳар бир ходимнинг куч-ғайратини республика 30 йиллиги нишонланадиган 1979 юбилей йилида коллектив олдида турган вазифаларни бажариш учун сафарбар қилишнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб қолди.

Меҳнат к а ш л а р муҳокама чоғида ишлаб чиқариш фаолиятида янги марраларни белгилабгина қолмай, шу билан бирга бу марраларга эришишнинг конкрет йўлларини ҳам кўрсатиб ўтдилар. Муҳокама иштирокчилари киритган қарийб 1 миллион таклифнинг асосий мазмуни ҳам шундан иборат. Новаторлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларида ишлаб чиқариш циклидаги «Маяжуд қалтис» жойларни бартараф этишга қаратмоқдалар, меҳнат шароитларини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқмоқдалар.

ДУНАЙДАГИ КОМПЛЕКС

БУДАПЕШТ. Дунайдаги икки қардош социалистик мамлакат — Венгрия билан Чехословакиянинг биргаликдаги куч-ғайрати билан Габчиково-Надьмарош д а қурилаётган гидроэнергетика комплексининг қурилиш майдончасида иш тобора қизимоқда. Бу ерга машиналар, қурилиш материаллари келтирилмоқда, ёрдамчи ишлар — йўл қурилиши тез суръатлар билан олиб борилмоқда. ишчилар учун ётоқхоналар қурилмоқда. Яқинда бу ерда бинокорларнинг катта армияси ишлай бошлайди. Дунайнинг Венгрия томонидагина 17 миллион кубометр тупроқ ишларини бажаришга лозим.

Габчиково—Н а д ъмарош гидроэлектростанцияси ишга туширилгандан кейин ВХР ва ЧССРнинг халқ хўжалигини энергия билан таъминлаш проблемасини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди.

Аянчли аҳволда

ҚОҲИРА. Ҳозир Миср давлат аппаратида ҳукм сураётган хўжасизлик ва пораҳўрлик Миср болаларининг таълим олишига оғир таъсир ўтказмоқда, деб уқтиради маҳаллий матбуот.

Маориф министрлигига қарашли бошланғич ва ўрта мактабларнинг кўпчилиги бетамом яроқсиз ҳолга келган. Қоҳиранинг бир ўзида, деб ёзади «Ал жумҳурия» газетаси, бир ярим мингтадан зиёд мактаб биноси жуда эскириб кетган ва қулаб тушай деб турибди.

Ярим вайрона ўқув биноларини капитал ремонт қилиш учун маориф министрлиги ажратаётган маблағ кўпинча мансабдорлар ҳамёнига тушмоқда. ўқувчиларга эса ёлғон ваъдалар беришдан нарига ўтилмаяпти. Қоҳиранинг Ас-Саида районидаги мактаб ўқитувчиси Зайнабнинг айтишича, бу ердаги дарслар дераза-сиз баракда ўтмоқда. ўқувчилар эса ерда ўтириб илм сирларини ўрганишга мажбур бўлмоқдалар. Чунки маблағ йўқлиги сабабли мактаб маъмурияти ҳатто мактаб парталари олиш имкониятига ҳам эга эмас. «Ижибшн газетт» газетасида эълон қилинган расмий маълумотларда айтилишича, бултур маориф министрлиги Қоҳира губернаторлигидаги мактабларни ремонт қилиш учун 300 минг миср фунти миқдорида маблағ ажратган эди. Бироқ, шу маблағдан атиги 25 процента, яъни бу муаммони тузукроқ ҳал этиш учун зарур маблағнинг денгиздан томчисигина бевосита мактабларга етиб борган.

КАНАДА МАНФААТИГА МОС

ОТТАВА. Кападанинг савдо саноат докралари Совет Иттифоқи билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришни ёқлаб чиқмоқдалар.

Жумладан, «Робертсон билдинг систем» компаниясининг президенти Сили бундай деди: «Илмий-техникавий ахборотни айирбошлаш ва савдо-сотиқ қилиш ишончсизлик ҳамда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга олиб келади, тинчлик манфаатларига, нескинликни юмшатиш ҳамда халқларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш сиёсатига мос бўлиб тушади. Бу компания саноат корхоналари ва спорт комплексларига мўлжалланган енгил металл контрукциялар ишлаб чиқариш ва монтаж қилиш учун ихтисослашмоқда.

Совет Иттифоқи, — деди «Робертсон билдинг систем» компаниясининг вакили Неттинг, — савдо соҳасида ишончли шериқдир. У СССРда саноат иншоотлари, уй-жой ва спорт биноларини қуришнинг жаҳонда энг катта программаси амалга оширилаётганлиги учун қизиқиш билдирмоқда. СССР огир индустрия корхоналари қурилиши министрлигидан совет экспертларининг бир группаси Канада бўйлаб қилган ўн кунлик сафарини куни кеча тамомлади. Бу экспертлар корпорациянинг таклифига биноан сафар қилиши ана шу визит давомида Совет Иттифоқидан келган мутахассислар компания корхоналарида бўлдилар, шу компания қурган бир қанча объектларни кўздан кечирдилар. Амалий музокаралар олиб борилди.

«ТУ-154» ФАРҒОНАГА УЧАДИ

Илк бор Тошкент билан Фарғона ўртасидаги масофани 30 минутда ўтиш мумкин бўлди. Тошкент — Фарғона биринчи техника рейсини қилган «ТУ-154» реактив самолёти 320 километрли маршрутни одатдагидан қарийб икки баравар тезроқ ўтди.

Соатига 1000 километр чамаси тезликка учувчи комфортабель «ТУ-154» самолёти метеорологик қийинчиликларни писанд этмайди. 160 ўринли кенг пассажир салонида ҳамма қулайликлар бор.

Ўзбекистоннинг ҳаво йўлларига тобора кўпроқ реактив самолётлар чиқмоқда. Бунинг натижасида транспорт сонини кўпайтирмаган ҳолда авиацияда ташиш миқдорини кўпайтириш мумкин, ҳаво зоналарида қатнов тинчлиги камаяди. Фарғона, Урганч, Қарши аэропортларида тезучар машиналарни қабул қилиш учун кўниш полосалари реконструкция қилинди. Янги йилдан бошлаб Тошкент —Фарғона, Фарғона — Москва линияларида «ТУ-154» самолётлари уча бошлайди, кўкламга бориб Қарши ва Урганч аэропортларидан Москва, Минводи, Симферополга ҳам самолётлар уча бошлайди.

В. ЧЕРНИШЕВ,
ЎзТАГ мухбири.



Бадиий буюмлар фабрикасида наштачилик маҳсулотларидан ташқари турли-туман бежирим дўппилар ҳам кўплаб ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотнинг бир қанча турига Сифат белгиси берилган. Сиз суратда дўппи цехининг 1979 йил ноябрь ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқараётган Марҳабо Ҳўжаева бошчилигидаги бригада аъзоларидан бир группасини кўриб турибсиз. Улар Холида Расулова, бригадир Марҳабо Ҳўжаева, Назокат Ҳўжаева ва Маҳмуда Толипоғалардир.

И. Шоиногомов фотоси.

• *Бинокорларнинг меҳнат туҳфаси*

Илғорликка интилиб

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли ихтисослаштирилган 4-қурилиш трести беш йиллигининг учинчи йилида унумли меҳнат қиляпти. Қурувчилар Улуғ Октябрнинг 61 йиллиги арафасида 1978 йил топшириғини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт беришган. Коллектив муваффақиятига 11-қурилиш бошқармаси катта ҳисса қўшяпти. Бу бошқарма Тошкентдаги саноат объектлари қурилишида фидокорлик билан ишламоқда.

Бошқармада авж олдирилган социалистик мусобақада Ленин ордени кавалери В. Логвиненко, С. Ефремов, Р. Иҳбатова сингари коммунистлар бош бўлган бригадалар пешқадам л и к қилишяпти. Улар ҳар ойда топшириқларини 130— 140 процентдан адо этишиб, айни кунларда келгуси йилнинг март-а п р е л ойлари ҳисобига иш бажаришаётир.

Коммунистлар етакчилик қилаётган бригадалар бошлаган ташаббусга кўра, бошқарма йил охирига қадар планга 18,5 минг сўмлик қурилиш ишларини бажаришга аҳд қилди. Трест коллективи эса йиллик планга қўшимча 1 миллион 795 минг сўмлик иш бажаради.

• *Болалар учун кўпроқ, сифатли, ранг-баранг маҳсулотлар ишлаб чиқарайлик*

КИЧКИНТОЙЛАР НЕГА ХАФА?

МАКТУБ ЙЎЛГА ЧОРЛАДИ

Ҳурматли редакция! Анчадан буён шаҳримиз магазинларида болаларнинг кўпгина буюмлари кўринмайди. Жумладан, ҳозирги кунда магазинларда болаларнинг пайпоқ-носки, колготка, сарафан, халат, плашч, ип-газламадан тикилган ички кўйлаклари, этикчалари, «Чопқир от», педалли машина, «Пионер», «Школьник» каби велосипед ва бошқа ўйинчоқларини учратиш мушкул. Хўш нега аҳвол бундай? Ахир партия ва ҳукуматимизнинг болалар учун кўрсатаётган ғамхўрлиги ниҳоятда чексиз-ку!.. Наҳотки, шу арзимаган буюмларни кўпроқ ва сифатли ишлаб чиқариш мушкул бўлса!!

Оқшомхонлар: **М. Зуфарова, С. Холиқосимов, О. Худойберганова, Н. Насимов, М. Мақсудова, Р. Ҳабибуллин, Б. Каримов** ва бошқалар.

Ота-оналарнинг эътирозида жон бор. Кун бўйи шаҳар магазинларини айланиб, бирор жойда юқорида номлари қайд этилган буюмларни учратолмайсиз.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг чиройли, хушбичим кийинишини, эркин, соғлом, шод-хуррам, бахтиёр ўсишини истайди. Бу билан завқланади, чексиз фахрланади.

Кўпинча мактабда, ясли, боғчада болаларнинг бир хил форма, яъни колготка, оқ пайпоқ ва ҳоказо кийимларни кийиб келишларини талаб этилади. Бу ҳозирги бахтиёр замон, фаровон ҳаёт, гўзал турмуш талаби. Ҳаётимиз қанчалик фаровонлашган сайин маданият ҳам шунчалик ўсиб бораверади. Бинобарин, ана шундай буюмларнинг етишмаслиги, камчилиги ҳар бир ота-онани ташвишга солиб қўяди. Бўш вақт топилди дегунча шошa-пиша магазинларга чопасиз.

— Колготка борми?

— Анчадан бери йўғ-а, — хотиржам жавоб беради сотувчи.

—Унда пайпоқ, носкилардан бордир?

— Олиб қолармиз. Хабар олиб туринг.

— Кечирасиз, болаларнинг калиши, этикчалари-чи, балки бита-яримта топилиб қолар-а?!

— Э, биродар, агар топсангиз менга ҳам айтинг, — энсаси қотиб жавоб қилади энди сотувчи. Баъзан йўл кўрсатади.

— Қидириб жуда сарсон бўлибсиз-да. Чайқов бозорига туша қолмабсиз... Бир-икки сўм қимматига ола қўярдиз...

Хўш, нима қиласиз? Чайқовга тушасизми? Иложингиз қанча. Мажбурсиз. Уйда кўзларини мўлтиратиб болаларингиз қараб туришибди.

...Мана чайқов бозорида юрибсиз. Сиз қидирган нарсаларнинг ҳаммаси бор. «Тавба, буларни қаердан олишади ўзи бу чайқовчилар?». Ҳеч ким суриштирмас экан-да? «Октябрь» колхоз бозоридагиларни қаранг, бемалол қалдиргочдай саф тортишиб, чуғурлашганича, ўтган кетганга ўз «моллари»ни пуллашяпти... Хўш, бозорком қаёққа қараяпти ўзи? Участка бошлиғи-чи? Қаёққа қарашяпти улар? Қачонгача улар кўз юмиб ўтишади бу ердан?

Бундай аҳвол қачонгача давом этади?

Масаланинг иккинчи томони ишлаб чиқаришга бориб тақалади. Дарҳақиқат, колготка масаласи оқсаяпти. Аҳвол нега шундай?— деган савол билан Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармасидаги раҳбар ўртоқларга мурожаат қилсангиз, улар корхоналар буюртмаларининг тўла ва ўз вақтида бажармаслигини, белгиланганидан кам, сифатсиз маҳсулот етказиб беришаётганини рўкач қилишади.

Корхона раҳбарлари эса «Эҳтиёж ўсиб кетаётганлигини, қувват етмаслигини» баҳона қилишади. Ким ҳақ, ким ноҳақ мана рақамлар сўзласин. Бу йил савдо ташкилотларидан колготка ва пайпоқ-носки учун 2 миллион 750 минг сўмлик буюртма тушган. Амалда эса таъминотчилар ҳозиргача 1 миллион 240 минг сўмлик буюртмани бажаришган, холос. Бошқача айтганда, Қўқон пайпоқ-йигирув комбинати ва бошқа трикотаж буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар истеъмолчиларнинг бор-йўғи 50 процент эҳтиёжини қондиришган.

Савдо Бош бошқармасининг маълумотларига қараганда, ўтган йили болаларнинг ип-газламадан тикиладиган 30—42 размердаги панталон, трусн, майка ва футболкалари мутлақо етишмаган. Ясли ёшидаги кичкинтойлар учун мўлжалланган ползунка, кофточка, гарнитурлар ҳам етарли эмас.

Харидорлар ҳозир синтетикадан эмас, балки ип-газламадан тайёрланадиган буюмларни талаб қилишмоқда. Айниқса, колготка ва носки топиш масаласи мушкул бўлиб қолди. Таъминотчилар савдо Бош бошқармаси буюртмасининг умумий ҳисобда атиги 50 процентини бажаришяпти, холос.

Ўтган йилги қиш мавсуми арафасида ва бугунги кунда магазинларда ясли ва мактаб ёшидаги кичкинтойларнинг турли пальто ва плашчлари танқислиги яққол сезилди. Ҳозирда ҳам бу аҳвол давом этяпти. Ўтган йили биргина «Қизил гонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси кичкинтойларнинг 14 хил моделдаги пальтосини етказиб беролмади. Шунингдек, Урганч, Қарши, Андижон, Бухоро, Хива, Самарқанд тикувчилик фабрикалари ҳам сифатсиз, белгиланганидан кам маҳсулот беряптилар. Чунончи, биргина ўтган йилнинг ўзида мазкур корхоналарнинг жами 891 минг сўмликдан зиёд маҳсулоти брак ҳисобига чиқиб кетди. Натижада улар умумий ҳисобда 2550 минг сўмлик қарз тўлашга мажбур бўлдилар. Ахир бу қанча меҳнат бекорга кетди, қанчадан-қанча давлат маблағи ҳавога беҳуда учди, деган сўз эмасми?

Болалар пойафзали масаласига келсак, бу борада ҳам худди шундай аҳволни кўриш мумкин. Фарғона, Чирчиқ, Янгийўл, Қўқон, Андижон пойафзал фабрикалари ҳам «Узобувьторг» базасига бир меъёрда маҳсулот етказиб беришмаяпти. Узилишлар ва аксинча сифатсиз маҳсулотларнинг «пешма-пеш» жўнатилиши ана шундай танқисликни вужудга келтиряпти. Республикамиз енгил саноат корхоналари ишлаб чиқараётган болалар пойафзалининг сифати жуда ҳам паст. Ўтган бир йилнинг ўзида пойафзал фабрикаларининг, шу жумладан Чирчиқ пойафзал фабрикасининг 2000 жуфт, Қўқон пойафзал фабрикасининг 2500 жуфт, Фарғона—2700, Янгийўл—3100, Андижон—9800, Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасининг 4000 жуфт ўғил ва қиз болаларнинг пойафзаллари мазкур корхоналарга қайтариб юборилди.

Бу албатта ҳамон болалар буюмларининг сифатига кам эътибор берилаётганини, кичкинтойларнинг янгидан-янги, замонавий моделдаги буюмларини ишлаб чиқариш устида кўнгилдагидек иш олиб борилмаётганини кўрсатади.

Маълумки, ёш авлодни ҳар томонлама ривожлантиришда, гарбнялашда, яъни ёшларда меҳнат, санъат, музикага ихлос уйғотишда турли хил ўйинчоқлар катта роль ўйнайди. Бироқ республикамиз саноати ишлаб чиқараётган ўйинчоқларнинг сифати паст, талаб даражасида эмас. Улар бир хил, зерикарли кўринишга эга, эстетик жиҳатдан паст даражада. Уларнинг турларини кўпайтириш эса суст ўзлаштирилмоқда.


Хуллас, бир сўз билан айтганда, республикамиз енгил саноати министрлиги болалар буюмлари ассортиментини кенгайтириш, кичкинтойлар учун сифатли буюмлар ишлаб чиқариш устида жиддий иш олиб бориши лозим. Юқорида буюмлари қайд этилган корхоналар маъмурияглари КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Болалар учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш, шу моллар савдосини яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини яқиндан ўрганиб чиқишлари ва шу асосда зудлик билан тегишли чора-тадбирлар белгилашлари лозим.

Бу барчанинг талаби. Шундай экан, бундан республика Енгил саноат министрлигидаги мутасадди ўртоқлар, болалар буюмлари ишлаб чиқарувчи корхона ва савдо ташкилотлари раҳбарлари ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишлари ва зарур бўлган чора-тадбирларни зудлик билан амалга оширмоқлари керак!

Т. ТОШЕВ,
«Тошкент оқшоми»нинг мухбири.

ПОКИЗА ДИЛ КУЙЧИСИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла—60 ёшда



ЮРАК СЎЗЛАРИ

Туроб Тўла, асосан ва ҳаммадан бурун шоир! Унинг бутун қудрати, истеъдоди шеъриятда тўлалигича намоён бўлди.

Унинг ғафурона ёзилган, жўшқин, теран, фалсафий, нозик зўр мушоҳидалар натижасида яратилган ажойиб шеърлари шеърият шинавандаларининг қалбидан жой олган.

Унинг дилрабо қўшиқларини айтмайсизми?! Ажойиб қўшиқлари, радио, телевизор орқали тонгдан кечгача янграгани-янграган! Туроб Тўланинг қўшиқлари хонандаларининг оғзидан тушмасдан, дастгоҳлар ёнида, олтин далаларда, тўю-томоша-ларда завқу-шавқ билан куйланади. Бу — ижодкорнинг бахти! Бу шоирнинг халққа яқинлигидан, чинакам халқ шоири эканидан далолат беради!

Туроб Тўланинг серқирра, теран, жўшқин ҳароратли, ҳаяжонли ижоди кундан-кунга балоғат, фасоҳат, малоҳат кашф этиб келмоқда. Унинг ҳаммага таниш бўлган, жуда кўп тилларга таржима қилинган нодир асарлари, китоблари халқнинг қалбидан, тилидан сира тушмайди.

УЙҒУН.

∴ ∴ ∴

Туроб Тўла шеърларидаги халқчил соддалик, фольклор приёмларига мойиллик ҳам ўз истеъдодининг табиатидан, сўзга содда бир мўъжиза, деб қарашдан келиб чиққан фазилатлардир. Бу унинг қўшиқларидагина эмас, йирик поэтик асарларида ҳам бўртиб кўринади. Шоир ўзининг «Суюк Момо ва офтобнинг етти ранги ҳақида эртак» деган катта поэтик асарини «давр эпоси» деб атаган эди. Асар чиндан ҳам салмоқли эпик тарзда битилиб, унда афсона ва нақл, ғазал ва терма сингари турли жанрлар янгича бир уйғунликда, граждан-лар уруши давридаги катта ва реал драматик воқеани ҳикоя қилишга бўйсундирилган.

Асқад МУХТОР.

∴ ∴ ∴

Адабий тил ҳақида гаплашмай, локайдлик қилиш кенг адабий боғимизнинг бир томонини чалдивор қилиб қўйиш демакдир. Шоир Туроб Тўла баъзан ўзига хос, бошқаларни такрорламайдиган жумлалар тузади, уни ўқувчилар қандай қабул қилаётганини кузатади. Сўз оркали кўп бетакрор ташвикларга йўл берарди. Туроб Тўла услуби ҳам тамоман ўзига хос. Қалам соҳибларининг бирбирига ўхшамагани — адабиётимиз бойлигидир. Қолипга солинган нарса — санъат эмас, ноёблик — санъат.

МИРМУҲСИН.

Туроб ТЎЛА

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Коммунистлар ҳақида уч қўшиқ

I ҚЎШИҚ

Бир умр ёқалаб ўтди бахт,
Ёқалаб ўтқандай дарёлар.
Сендандир бугунги ҳаловат,
Бугунги фараҳли наволар.
Коммунист,
Номингдан мунаввар
Уфуқлар,
уфуқлар тонг мисол!
Коммунист,
Номингдан муқаррар
Орзулар топкани чин висол!
Сен менинг имоним — ўгурган,
Мустаҳкам меҳрдан, ишқдан ҳам!
Сен менинг қонимсан югурган,
Қалъаден,
қалъадек мустаҳкам!

II ҚЎШИҚ

Сен борсан бақамти тўғон солганда ҳам
Кўтарганимда ҳам чангдан бошимни!
Юран қалъасини ёв олганда ҳам,
Аритган ҳам сенсан кўздан ёшимни!
Сувсизлик,
нурғоқлик,
қатқалоқ,
Гармсел олганда халқумдан ёмон,
Сен борсан мен билан бамисоли тог,
Сен борсан мен билан ёнма-ён!
Мирзачўл қалбига нўл солганда ҳам,
Сталинградда беомон!
Қаршига мардона йўл солганда ҳам,
Сен турдинг биз билан ёнма-ён!

III ҚЎШИҚ

Қаҳратон олади забтига,
Дағдаға солади бинёбон,
Коммунист,
Офтоб кафтида
Мен билан ҳамиша ёнма-ён!
Юрагинг юрагим қатида,
Ҳар ерда, ҳар ишда жонажон.
Ҳаётим ҳаётинг татида,
Жонинг ҳам жонимга ёнма-ён!
Замонлар ўтади, замонлар,
Сен билан омондир бу замон.
Кашф этиб янги наҳнашонлар,
Ўтаман сен билан ёнма-ён!

Тонг юлдузи

Тонг нури ювар олам юзини,
Нурлар қувалар қизнинг изини.
Қизлар изидан топган у нигоҳ
Тонг юлдузими, шон юлдузимми?
Тонг юлдузидан пахтам чаноги,
Пахтам чаноғини йўндир саноғи.
Тун-кун бошида парвона мисол
Лов-лов ёнади қизлар ёноги.
Лов-лов ёнади ундан яширин,
Ундан яширмоқ ошиқта сирин.
На мунча азоб, истармисан-е,
Борсам оёғинг узра бош уриб?
Пахтангда фахат, пахтангда кўзинг,
Пахтачга деган ахдингда кўзинг.
Тушгай ва қачон пахтангдан ўтиб,
Еринг, малагинг-бахтинга кўзинг?
Тонг юлдузимга кўксинг ярашур,
Не ўтга солиб ёқсанг ярашур.
Эй, дайди нигоҳ, йўндир хабаринг,
Куйганларинга боқсанг ярашур...

Ёр йўлига

Дук-дук этди эшик бирдан,
Дукулади йўлаги.
Эшикмасди дук-дуп урган,
Унинг жажжи юраги.
Мана тағин уриб кетди
Унинг жажжи юраги.
Тағин кимни қабул этди
Тинчимагур йўлаги?
Нега бунча нечикмаса,
Нечикмаса совчилар?
Нега бунча ичикмаса
Кипригида томчилар?
Оҳ, муҳаббат шунча зўрми,
Шунча зўрма йўлаги?
Оҳ, муҳаббат шунча кўрми,
Еки унинг юраги?
Маҳбубанинг толинга
Келар бехад ҳавасим.
Унинг қалби боглигига.
Келар бехад ҳавасим.
Булбулларни куйлатади.
Унинг бахтиёрлиги.
Оҳ, тунларни уйготади.
Юрагининг торлиги.
Ер ёнади ёр кўйида,
Ер кўйида интизор.
Ер ўйида, ёр ўйида,
Ер ўйида интизор.
Оҳ, интизор, келмас ҳамон,
Ланг очиндир йўлаги.
Дунулламас эшик томон,
Дунуллайди юраги...

Йўлдаман

Йўлдаман доимо,
Йўлдадир хизматим.
Ватаним, койима.
Бу менинг қисматим.
Дейдилар, бунча ҳам,
Бунча ҳам ёнмасанг?
Ёнмасми бу олам.
Мен агар ёнмасам?!
Мен ёнган оловдан
Домналар олови!
Мен тутган ловдан
Эътикод ялови!
Йўлдаман-йўлдаман,
Йўлдадир офтоб.
Сен билан эл омон,
Тилаги бехисоб!
Тилаги тилимда,
Куйимда умрбоқ.
Ҳамиша дилимда
Инёболи эрур ёд.
Йўлдаман-йўлдаман,
Йўлдадир офтоб.
Йўлдадир бегумон
Куйларим бобо-боб!...

Ошиён

Ким билур дунёга, ёр,
сен келмасанг,
келмасмидим,
Бу саодат ғамзини сен
билмасанг, билмасмидим.
Бу ғўзал кисмат тасодиф
топди бахтимни расо,
Бу тасодиф боғида сен
бўлмасанг, бўлмасмидим.
Қушмиди, хасдек олиб кетди
мени иши боғига,
Боғ аро кўнгил уйига
кирмасанг, кирмасмидим.
Ошиён қурдик ўшал хасдан
ўшал кушдеи гўзал.
Бу ҳаёт ошиёнини сен
қурмасанг, қурмасмидим.
Сидқи содиклик нишона
дейдилар бу ошиён,
Баҳри дил бу ошиённи
кўрмасанг, кўрмасмидим.
Кўрдиму кўнглимда ўсдинг
мисли йўқ шеърий ниҳол,
Шеърият девонида сен
қолмасанг, қолмасмидим.
Сен билан, севгинг билан
йўғрилди толе, ақли ҳуш,
Шунчалар ақли ҳушим сен
олмасанг, олмасмидим.
Бу саодат рамзини сен
билмасанг, билмасмидим.

ҚАЛБГА ЯҚИН ШОИР

«Ёзувчи ёзувчини тан олмайди»— деганларига ишонмайман. Ажойиб адиб, ажойиб қўшиқлар муаллифи, ажойиб ғазаллар, драмалар автори Туроб ака ижодига бўлган меҳр-муҳаббат бунинг яққол исботидир. Рости гап, фақат ўқувчи, тингловчи, ижрочигина эмас, ҳатто ўзининг тенгқурлари— таниқли ёзувчилар, танқидчилар ва шогирдларигача Туроб Тўланинг мана бу асари бундайроқ чиққибди, деганини эшитган эмасман. Унинг қайси тўпламини, қайси китоби магазинда пайдо бўлмасин, тезда тарқалиб ўз ўқувчисини топади, қўлдан-қўлга ўтади. Илк баҳорнинг шифобахш нафаси каби дилрабо, тонг каби беғубор ғазалларидан баҳра олиб, унинг муаллифига нисбатан меҳринг қонади, фахр билан «бунн Туроб ака ёзган», дегинг келади.

Эсимда: Улуғ Ватан уруши тугаб, барча яқин-йироқлар бир-бири билан дийдор кўришаётган кувончли кунлар эди. Ўша пайтдаги шаҳар, қишлоқларимизни иқтисодий жиҳатдан қайта тиклаш, урушдан олдинги кўрфасидан ҳам гўзалроқ, тўкин-сочинроқ қилиш йўлида мардлик ва жасорат кўрсатишга чорловчи бадиий эшиттиришларни одамлар радио карнайлари остига тўпланиб соатлаб тингларканларини ўз кўзим билан кўрганман. Ҳозирги кунимизнинг атоқли ёзувчилари Ҳамид Ғулом, Иброҳим Раҳим, Ҳаким Назир, Адҳам Раҳмат, Абдулла Ўразаев, Ўзбекистон халқ артистлари Туйғуной Юнусхўжаева, Қодир Мақсумов ва бошқалар сингари адиблар, санъаткорлар Туроб ака билан ёнма-ён туриб эшиттиришларни янада завқлироқ, янада гўзалроқ, қизиқарлироқ бўлиши учун тинним билмай қанчалик жон куйдирганлари кўз олдимда. Улар Туроб аканинг шахсиятига хос билим, истеъдодини, саммимийлиги ва беғуборлик фазилатларини ниҳоятда ҳурмат қилар эдилар. Радакцияга кўпдан қатнаб юрганларгина эмас, илк бор қадам кўя бошлаган қалам аҳллари ҳам Туроб ака билан тезда тил топишиб, дўстлашиб қоларди. Бирон янги асар қўлига тушиб, ёқиб қолса, Туроб ака дарров унинг муаллифини қидириб топар, сидқидилдан унинг ижодига ёрдам бериш учун ошиқарди. Ана шундай кунларнинг бирида қотмагина, ўн икки—ўн тўрт ёшлардаги бир бола кириб келади. Қиш совуғидан боланинг вужуди қалтирар, оёғида аранг турар эди.

— Туроб Тўла сизмисиз?

Туроб ака бош силкийди. Столидаги кичкина радиоприёмники орқали ўзининг биринчи бор ижро этилаётган «Санобар» номли қўшиғини тинглаётган ва шу билан бирга қандайдир мисраларни қоғозга тушираётган экан.

— Вой-бў, дилдираб кетибсан-ку! — дейди у бирдан болага раҳми келиб,—печканинг ёнига ўт дарров, исиниб ол.

Бола қўлидаги бир даста дафтарни унинг олдига ниманибгина қўйди-да, узоқ ёлғ босиб, дабдаласи чиққан этигидан оёғини суғурди-ю, печка таптига тутади.

Радиодаги қўшиқ тугаб, қандайдир куй хониш қилишга ўтган эди.

— Нималарни ёзиб келдинг? — Туроб ака дафтарларни лоқайдлик билан қўлига олди.

— Шунинг ҳаммасини ўзинг ёздингми? Ҳусни хатдан ҳам берган экансан, тоза. Ўзинг ўқиб бермасанг, менинг тишим ўтмайди шекилли, укам!

Бола андак исиниб, ўзига келиб олган эди. Столга яқинроқ ўтирдида, ичёл ийманиб, тутилиб-тутилиб ўқий бошлайди.

— Наманганликмисан?

— Боланинг лаҳжасидан таниди Туроб ака. — Қандай келдинг Тошкентга, поезддами?

— Йўқ, пиёдалаб...

Туроб ака ялт этиб қаради унга. Бошдан оёқ қайта кузатиб чиқди. Ишонқирамади шекилли, мийиғида кулиб қўйди. Аслида бола ҳақ эди. Ахир уруш туфайли ота-онасидан айрилиб, кимсасиз қолган боланинг поезд билетига пул топиши, Тошкентга эса фақат адабиётга бўлган ҳавасигина етаклаб келганини Туроб ака дафтаран қаёқдан била қолсин.

—Радиодан овозингизни ҳар кун эшитаман. Мана шу овоз эгасигина менга нажот бера олади, деб, сизга умид боглаб келдим.

Шу оқшом Туроб ака (у ўша маҳал «Бир пиёла, бир пиёла, бир пиёла май, ҳеч бўлурми шу дарвонда ўйнамай-кулмай», деб айтиладиган машҳур қўшиғини айни тугаллаётган пайти экан), ўз ишини йиғиштириб қўйиб, боланинг ҳикоясини тинглашга берилади. Дарвоқе, у тинглаётган нарса ҳикоя эмас, балки Максим Горькийнинг «Болалик», «Одамлар орасида», «Менинг университетларим» номли грилогияси асосида нўноқлик билан ёзилган инсценировка эди. Демак, ёш ҳаваскор етти юз километрдан ошиқроқ масофани босиб келар экан, толиқкан чоғларида бу-юк мутафаккирнинг ана шу асарларини ўқиб, овунган. Нижний Новгороддан Тбилисигача материаллар тўплашига имкон туғдирди. Ўша маҳалдаги публицистик мақолалари, очерклари меҳнаткаш халқимизнинг энг яхши фазилатларини, руҳи ва курашдаги жасоратларини мадҳ этди. Ёшларни эса ҳаётга текинхўрлик билан эмас, поёндоз солингандай теп-текис йўллардан эмас, балки ота-боболаримиз босиб ўтган машаққатли йўллардан, завод, фабрика, ишлаб чиқариш корхоналари остонасини босиб киришга, виждонли, ростгўй, жасур кишилар бўлиб етишишларига даъват этди. Шу тариқа унинг, «Ҳаёт лавҳалари» номли тўплами яратилди. Тўпламда айниқса, Бекобод бунёдкорлари, Зулфия Умидова сингари олималар ва уларнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мўъжизалари ҳақидаги очерклари қизиқарлилиги, тилининг нақадар ширалиги билан ҳам ажралиб туради. Бундай кишиларнинг ҳаёти ҳам тип-тиниқ бўлоққа ўхшаб мавж уриши, дарё каби улкан денгизларга бориб қуйилиб туриши, юксак истеъдод билан куйланади.

Покиза қалб куйчиси, яхши инсон, ғамхўр устоз Туроб Тўла бугунги кунда ҳам бадиий ижод билан бирга журналистика соҳасидаги меҳнатини баракали давом эттириб келмоқда. Биз унга ҳамиша навқиронлик ярага янги-янги ижодий парвозлар тилаймиз.

Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ.

ОНА ЮРТНИ УЛУҒЛАБ

ЁЗУВЧИ ИЖОДХОНАСИДА

Таниқли шоиримиз, Ўзбекистон хизмат кўрсатган санъат арбоби ЎССР халқ ёзувчиси, Республикада Туроб Тўла туғилган кунга олтмиш йил тўлиши арафасида мухбиримиз кишига ҳаётн ва ижодий фаолияти ҳақида бир қатор саволлар билан мурожаат қилди.

— Туроб ака! Дастлабки асарларингиз эълон қилинганига, мана, қирқ йилдан ошди. Биринчи шеърингизнинг, илк тўпламингизнинг чиқиши ҳаётингизда маркли из қолдирган бўлса керак. Шу ҳақда, ўша йиллар ҳақида, илк устозларингиз ҳақида ҳикоя қилиб берсангиз.

— Мен болалар уйида тарбияланганман. Ўша кезлар менинг дилимда адабиётга чексиз ҳавас —иштиёқ туғилди. Кунларнинг бирида Лоҳутий номидаги Тошкент театр техникумидан вакиллар келишди. Ва бизни ўқишга таклиф этишди. Мен яхши кўшиқ айтар эдим. Бу техникум мен учун катта ҳаётга йўл очиб берди, десам хато бўлмайди. Бугунги кунимизнинг таниқли олимлари Ҳамид Сулаймон, Аюб Ғуломовлар бизга сабоқ берар эди. Бу устозлар ташаббуси билан адабиётимизнинг намояндалари Абдулла Қодирий, Зиё Санд, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом каби адиб ва шоирлар билан учрашувлар ўтказилди.

Кейинчалик Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида таҳсил кўрдим. Институтда йирик адабий муҳит бор эди. Эндилигида адабиётимизнинг йирик вакилларига айланган Асқад Мухтор, Рамз Бобожон, Ҳамид Ғулом, Шуҳрат, Ҳаким Назирлар ана шу олий даргоҳда ўқишар эди. Биз — бу тенгқурлар баҳсларда, мунозараларда улғайдик.

Менинг илк шеърим май байрами ҳақида бўлиб, «Олқишлар» дея номланган эди. Шеър «Ленин учқуни» газетасида босилди. Ўшанда мен 16 ёшда эдим. Газета ҳузурида ижодий тўгарак бор эди. Мен ҳам қатнашар эдим. Ўшанда, тўгарак раҳбари Зафар Диёр: «Ҳаммангг Биринчи Май ҳақида шеър ёзиб келинглар», деган ва биз ёзган эдик. З. Диёрга менинг шеърим маъқул тушди. Шеър чиқди.

1939 йили эса биринчи «Шеърлар» тўпламим нашр этилди. Кейинчалик «Бахт тонготари», «Табассум», «Муборақбод», «Оромижон», «Қанотлан, қўшикларим», «Доира», «Гулёр», «Сайла н г а н асарлар»им нашр этилди. Бу орада А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Н. А. Некрасов, И. Крилов каби рус шоирлари асарларидан баҳраманд бўлдим. Уларнинг асарларини ўзбекчага ағдардим. Буларнинг барчаси мен учун катта мактаб бўлди.

— Туроб ака! Ҳали ҳам экрандан тушмай келаётган «Мафтункигман», «Шашмақом», «Фурқат» фильмларини яратишингизга нима туртки бўлган?

— Мен йигирма икки йилча «Ўзбекфильм» студиясида, кейинчалик Ўзбекистон Кинематографчилар союзининг секретари лавозимида. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги санъат бошқармасининг бошлиғи лавозимларида ишладим. Ана шу даврларда бир қатор саҳна асарлари ва фильмлар сценарийсини ёздим.

«Мафтунигм а н» комедияси урушдан кейинги йилларда юзага келди. Ўша йилларда халқ кўтаринки руҳда яшашни, қувноқликни, шод-ҳуррам кун кечиришни истар эди. Бу— табиий. Чунки, уруш халқимиз бошига оғир мусибат солган, кишилар руҳан эзилиб кетган эди. Айни чоғда уруш туфайли қанчалар ажойиб, истеъдодли санъаткорларимиздан жудо бўлган эдик. Энди ана шуларнинг ўрнини босадиган истеъдодли ёшларни четчетлардаги қишлоқлардан, шаҳарлардан йиғиш лозим эди. Фильмда мен ана шу масалани кўтариб чиқишга ҳаракат қилган эдим.

«Шашмақ о м»да эса... Бу асарнинг яратилишига, асосан, Юнус Ражабий сабаб бўлган. У киши билан 1935 йилдан буён ҳамкорликда иш қилганмиз. Юнус ака орқали санъат оламига чуқурроқ кирдим.

Мен Юнус аканинг олти томлик «Шашмақом»ига муҳаррир эдим. У киши билан юрт кездим. Чунки Юнус ака ҳофизлар билан учрашар, улардан шашмақомнинг турли вариантларини эшитиб, нотага кўчирар эдим. Мен эса ҳофизлардан шу кўйнинг яратилиш тарихи билан боғлиқ ҳикояларни эшитардим.

Юнус Ражабийнинг 70 йиллик юбилейи арафасида «Шашмақом» ҳақида кичик телефильм юзага келди. Кейинчалик киночиларнинг илтимосига биноан олти қисмлик «Шашмақом» бадиий фильми сценарийсини ёздим. Бунда Ҳожи бобо, Абдулла Тароқ, Тўйчи Ҳофиз сингари ҳофизлардан тинглаган ҳикояларим менга жуда қўл келди.

«Шашмақом» фильми 1972 йили Бутуниттифоқ кинематографчилари фестивалида совринли биринчи ўрин ва мукофот билан тақдирланди.

— Сизнинг ижодингизда қўшиқ асосий ўрин тутади?..

— Бунинг боиси бор. Яхши қўшиққа тўйиб бўлмайди. Қанча бўлса, шунча оз!

Менинг назаримда шеър бошқа, қўшиқ бошқа. Қўшиқ бу «тангида» музика садолари жаранглаб турган тизмалардир. Водийма-водий кез а н гиз, механизмлашган ҳозирги ҳаётимизда бўлсангиз чеҳрасидан, жасоратидан ана шундай «оҳанглар таралаётган» йигит-қизларни кўрасиз. «Йўлларим», «Олтин сандиқ», «Уч дугона», «Ширмоной», «Момо» сингари ўнлаб қўшиқларим ана шундай сафарларнинг учрашувларининг маҳсулидир. Мен учун Поп қўшиқлар маскани бўлиб туюлади...

— Туроб ака! Сиз оқшомхоларим и з г а шу кунларда қилаётган ишларингиз ва келгусидаги режаларингиз ҳақида ҳикоя қилиб берсангиз.

— Яқинда «Суюк Момо ва офтобнинг етти ранги ҳақида эртак» деган катта поэтик асаримни тугалладим. Асар нашр ҳам этилди.

Ҳозир Ўзбекистон Ёзувчилар союзи қошидаги ёш ёзувчилар семинарига раҳбарлик қиляпман. Қирқ йиллик тарихий йўлни босиб ўтган бу семинар адабиётимизга катта истеъдодлар етказиб беради ва бераяжак. Мен адабиётимиз келажаги учун хизмат қилаётганимдан бахтиёрман. Айни чоғда «Фахрия» номли достонимни тугаллаш арафасида турибман. Бу достон улуғ шоиримиз Алишер Навоий ҳақида.

Янги музикали комедия устида ҳам иш олиб боряпман. Яна бир насрий асар яратиш ниятидаман. Асосан шу гаплар.

Она юртни улуғлаб

ЁЗУВЧИ ИЖОДХОНАСИДА

Таниқли шоиримиз, Ўзбекистон хизмат кўрсатган санъат арбоби ЎССР халқ ёзувчиси, Республикада Туроб Тўла туғилган кунга олтмиш йил тўлиши арафасида мухбиримиз Ғ. Ҳотамов шоир билан учрашиб, у кишига ҳаётн ва ижодий фаолияти ҳақида бир қатор саволлар билан мурожаат қилди.

Даврон адиби

Туроб Тўла латиф ва равон шеърлари, чуқур қўшиқлари, борингки, барча ёзган хилма-хил асарлари билан қалбларимизга яқин бўлиб қолган шоирдир. Мен Туроб ака билан бир идорада ҳизмат қилиш жараёнида у кишининг асл табиатлари ҳам шеъпларидек тиниқ эканлигини пайқаганман. Шоир ва инсон фазилатлари анчагина ноёб ҳисобланадиган бизнинг адабий жараёнда биз тенги ёшлар учун бошқалар қатори Туроб ака ҳам ўзига хос ибрат мактаби ҳисобланади. Туроб Тўла шеърияти ҳақида гап кетганда, менинг хотирамга у шоирнинг кўпгина дилбар сатрлари тушади. Масалан:

— Айт, ёшингни сўрамасинлар,— деб бошланадиган ажойиб шеъри ёхуд «Сирдарё» шеъри:

Худди Сирдай ўтади куним.
Худди Сирдай ўтиб борар ёш.

Худди Сирдай билмайман таним.
Ватанимга бўлиб қайгудош.

Бу сингари шеърларда ва умуман, Туроб Тўла ижодида Ҳамид Олимжон созининг аллақайси пардаларини илғаб олиш қийин эмас. Бу уйғунлик эса чинакам поэзиядан дарак беради.

Туроб Тўла ошуфта, шайдо шоир.

Туроб Тўла —принципиал, даврон шоири.

Туроб Тўла—табиати губорлардан ҳоли, ҳалол, самимий, дилкаш инсон. Кўпчилик қатори, албатта, мен ҳам Туроб акани олтмиш ёшлари билан муборакбод этаман.

Яхши одам меҳрда миробман дер,
Ташна бўлган чоғда ҳам серобман дер.
Бахт косаси Тўла бўлса
Элу юрти пойида Туробман дер.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

Олтиной

Тўлиб-тўлиб ўтади Шовот,
Қўшиқ бўлиб ўтади Шовот.
Даламизни, юрагимизни
Инки бўлиб ўтади Шовот.
Балки Шовот, балки ҳойнаҳой
Кўҳлик раисимиз Олтиной!
Тонг иффати далади, богда,
Тонг машқидан гўзал, орода.
Тонги шабнам лиммо-лим эмуш
Ғўзаларда мисоли бода.
Балки бода, балки ҳойнаҳой
Тонг гўзали бизнинг Олтиной.

Қуёш ерни қилармуш ҳавас,
Даламизнинг кўрки билан маст.
Унинг етти ранги чангидан
Олар эмуш гўзамиз нафас.
Балки куёш, балки ҳойнаҳой
Қуёш қизи бизнинг Олтиной.
Офтоб элаб-элаб ўтар нур,
Элаб ўтар мисоли биллур.
Биллур оқшом тутар қўлингдан,
Бу сурурга етмайди сурур.
Балки сурур, балки ҳойнаҳой
Утиб борар бизнинг Олтиной....



СУРАТДА: Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла Социалистик Меҳнат Ғаҳрамони Комил Яшин, Ҳамза мукофоти лауреатлари Мирмуҳсин ва Санд Аҳмад, таниқли шоир ва драматург Шуҳратлар даврасида.

С. Маҳкамов фотоси.

ШЕЪРХОН ТАБРИГИ

Севимли шоиримиз Туроб Тўла шеърларини оддий китобхон сифатида кишини ўзига тортадиган қандайдир бир ҳарорат, жўшқинлик борки, бу шеърхон қалбини ўзига тортиб, тўлқинлантира олиш қудратига эгадир.

Мен бир шеърхон сифатида Туроб Тўла шеърларини ўқирканман, ўзимни шоир улуғлаган қаҳрамонлар қаторида кўргим, улар билан чўлу саҳролар кезиб, халқ бойлигига бойлик қўшгим келади.

Шоирнинг «Уч дугона», «Олтин сандиқ» шеърлари кимларни мафтун этмаган дейсиз. Бу шеърлар қўшиқ бўлиб янграганида олам чароғонлашиб, бутун дунё бахт ва шодликка тўлганден бўлади.

Туроб Тўла асарлари кўпгина китобхонлар каби менинг шахсий кутубхонамнинг ҳам энг ардоқли бойлигидир.

Туроб ака! Кўплаб боқий қоладиган асарлар яратаишингизга тилакдошман!

Марзия ҚАЛАНДАРОВА,
шеърхон.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

26 ДЕКАБРЬ, 1978 й.

ЯНГИ ЙИЛ—ҲАММА УЧУН БАЙРАМ

ЭНГ ҚАДИМИЙ ВА ҚУВНОҚ БАЙРАМ—ЯНГИ ЙИЛДИР! АНА ШУ БАЙРАМДА ИШ БИЛАН БАНД БЎЛГАН ЛАВОЗИМЛИ КИШИЛАРНИНГ ЧЕҲРАСИДА ҲАМ ТАБАССУМ ПАЙДО БЎЛАДИ.

Биз одатда арчани безатишни, болаларга совғалар сотиб олишни, туғишганларимизга ва дўстларимизга совғалар тақдим этишни яхши кўрамиз, бир сўз билан айтганда Янги йилни кутиб олишга тараддуд кўрамиз.

Янги йил оқшомида янги кийимларни кийиш ҳар бир кишига қувонч бағишлайди.

СИЗ ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАРНИ «ТАШПРОМТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИГА БАЙРАМ СОВҒАЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

БУ МАГАЗИНЛАРДА ТАЙЁР КЎЙЛАКЛАР, ГАЗЛАМАЛАР, ТРИКОТАЖ БУЮМЛАР, СОВҒАЛАР, ГАЛАНТЕРЕЯ ВА ПАРФЮМЕРИЯ БУЮМЛАРИНИ СИЗЛАРНИНГ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛИШАДИ.

Агарда яқин биродарларингизга совға тақдим қилиш ниятида бўлсангиз, уларга албатта манзур бўладиган запонкалар, галстук, шарф, қўлқоплардан бирини иккиланмасдан сотиб олишингиз мумкин. Бунда ҳам кўнглингиз тўлмаса металлга ишланган чеканка, керамика, ёғочли панно, дуҳиларни тақдим қилиш маслаҳат берилади.

Аёл кишилар учун атир сотиб олиш ҳаммавақт ҳам ўринлидир. Қадимий анъанага биноан оқ сариқ мағизли одамга муаттар исли атир совға қилиш маслаҳат берилади. Қорача мағизли аёлларга эса вазмин исли атирни танлаш ўринлидир. Лекин бундай одатга шунчаки ўрганиб қолганмиз. Ҳар гулнинг иси бошқа деганларидек, ҳар ким ўзига манзур бўлганини олади.

«ТАШПРОМТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИ ИСТАЛГАН ДИДГА МОС КЕЛАДИГАН АТИР ВА ОДЕКОЛОНЛАРНИНГ РАНГ-БАРАНГ ХИЛЛАРИНИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ.

«Красная Москва» атири ўнлаб йиллар мобайнида ҳиди—орзулидир. «Красная Москва»нинг иси нафислашган ва хушбўйдир. У ҳар қандай ёшдаги аёлларга тавсия қилинаверади. «Одетта», «Признание», «Лесная ландиш», «Маргарита» атирларини ҳаммабоп деб аташ мумкин. Бундай маркалар ҳам орзули атирлар тоифасига тааллуқлидир. Гулларнинг хушбўй исларини ёқтирадиган кишиларга «Маргарита», «Лесная ландиш» атирларини тавсия қиламиз. Бу атирларда гуллар ва кўкатларнинг исларн мужассамланган. Улар айниқса ёш аёлларга манзур бўлади.



СИЗ «ТАШПРОМТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИДА ҚЎЛҚОП, ЭЛЕКТРОБРИТВА, ШАРФ, ГАЛСТУК, ЗАПОНКА, КАМАР, ШИША ВА КЕРАМИКА ИДИШЛАР, ЧЕКАНКА, ЁҒОЧЛИ ПАННО СИНГАРИ БУЮМЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИ:

42— «СОВҒАЛАР» — Чилонзор массиви, 5-квартал, Халқлар дўстлиги проспекти.

48 — «БАХТ» — Ш. Руставели кўчаси, 110-уй.

74 — «ҲАММАСИ АЁЛЛАР УЧУН» —Навоий кўчасидаги янги шаҳар ярмаркаси.

99 — «СОВҒАЛАР» — Луначарский шоссеси, 123-уй.

Магазинлар соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди.

Соат 14 дан 15 гача танаффус. Дам олиш куни—душанба.

«ТАШПРОМТОРГ»

СОВҒАБОП ТУФЛИЛАР

Янги йил яқинлашиб келмоқда. Ана шу байрамда ранг-баранг ўйинчоқлар, нақшли чамбараклар ва митти лампочкалар билан безатилган ям-яшил арчанинг таралиб турган ҳидидан бўлак бошқа қувонч бўлиши мумкинми. Янги йил — орзу ва тилаклар, режалар амалга ошиши билан файзлидир.

ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИДА ҲАР КИМ ЯСАНИШНИ ИСТАЙДИ. ЯСАНИШ ҲАҚИДА ЎЙЛАБ, ЯНГИ ПОЙАФЗАЛ КИЙИШ ҲАРАКАТИГА ТУШИБ ҚОЛАСИЗ.

ПОЙАФЗАЛ КИЙИМ-БОШНИНГ МУҲИМ ҚИСМИДИР. МОДАЛИ, ЧИРОЙЛИ ТУФЛИНИ КИЙИБ ЎЗИНГИЗНИ ХУШНУД ҲИС ЭТАСИЗ.

ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

ЯҚИНДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛИ БОШЛАНАДИ. ҚИШҚИ КАНИКУЛ ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ ВА ТУРЛИ ҲАЙВОНЧАЛАР БИЛАН УЧРАШАДИГАН ҚУВНОҚ ВА ҚИЗИҚАРЛИ БАЙРАМДИР. БИЗНИНГ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҲАМ БУ БАЙРАМДА ЯСАНИБ КИПИНИШНИ ЯХШИ КЎРАДИЛАР.

ҲУРМАТЛИ УРТОҚЛАР!

ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН СИЗЛАРНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ!

СИЗЛАРНИ «ТАШОБУВЬТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

СИЗ «ТАШОБУВЬТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМ УЧУН ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЬ ВА ФАСОНДАГИ ЧИРОЙЛИ ПОЙАФЗАЛЛАРНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

1— Киров кўчаси, 23-уй.
2— Кафанов кўчаси, 106-уй.
3—4-турар жойи шаҳарчаси; Лисунов кўчаси, 2-квартал, 47-уй.
4—Т. Шевченко кўчаси, 13 «а»-уй.
5— Жарқўрғон кўчаси, 35-уй.
6— Истиқбол кўчаси, 2-уй (Қўйлиқ поселкаси).
7— Новомосковская кўчаси, 17-уй.
9—2-Сельмашский проезди, 5-уй.
13— У. Юсупов кўчаси, 119-уй.
15— Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси.
17— Навоий кўчаси, Марказ — 14, 11-уй.
19— М. Горький проспекти, 2/27-уй.
20— Строительная кўчаси, ДСК-1.
22— Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси.
23— Ш. Руставели кўчаси, 43-уй.
24— Новза Қозиробод массиви, 1-проезд, Усмир кўчаси, 15 «а»-уй.
27— 1/4-Қорақамиш массиви, Ҳасанова кўчаси, 13-уй.
28— Ш. Руставели кўчаси, 144-уй.
30 — Фарҳод ярмаркаси.
32— Чилонзор массиви, Қатортол кўчаси, 6-квартал.
33— Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси.
34 — Юнусобод массиви, А. Дониш кўчаси, А—1, 55-уй.



«ТАШОБУВЬТОРГ».
«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

КИНО

26 ДЕКАБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЮЗ МИНГ ВА МЕН» — Тошкент Советининг 50 йиллиги.

«ОКТЯБРЬ НУРАФШОН ЭТГАН ЙЎЛ» — Фестиваль.

«АЛЬКОГОЛЛИК ВА СПОРТ — ЎТ БИЛАН СУВ» — Кўнча.

«САЛОМ, ПОЙТАХТ!» — Восток.

«КРАСНОДОНДАГИ МАНГУ АЛАНГА» — Янгиобод.

«ОИЛА» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги.

«АТТРАКЦИОНЛАР ТАЙЁРЛАНАДИГАН УЙ» — Қозоғистон.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МУҲАББАТ ИЗҲОР ЭТИШ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги, Чайка, Восток, Лисунов номли.

«НАСРИДДИННИНГ ИЛК МУҲАББАТИ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги, Қозоғистон, Тинчлик, ВЛКСМ 30 йиллиги, Ғунча.

«АСОВ ОҚҚУШ» — Навоий номли, Нукус.

«ТАНГА ИМПЕРАТОРИНИНГ ТУҒАТИЛИШИ» — Қозоғистон (2-зал).

«СУВДАГИ ЖИЛВА» — С. Раҳимов номли, Дружба.

«КЎҲИТОФ ФОЖИАСИ» — Кўнча, Москва, Дружба (2-зал).

«ТЎП, ҚЎЛҚОП ВА КАПИТАН» — Пионер.

«ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — Ғ. Ғулом номли, Навоий номли, Лисунов номли, Ғунча, Тошкент Советининг 50 йиллиги, Қозоғистон, Ўзбекистон ССР 25 йиллиги, Чайка, Кўнча, Пионер, Нунус, Москва, Дружба, Фестиваль, Мир, Восток, Ҳамза номли, Янгиобод, Тинчлик, ВЛКСМ 30 йиллиги.

27 ДЕКАБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЮЗ МИНГ ВА МЕН» — Тошкент Советининг 50 йиллиги.

«ОКТЯБРЬ НУРАФШОН ЭТГАН ЙЎЛ» — Фестиваль.

«АЛЬКОГОЛЛИК ВА СПОРТ — ЎТ БИЛАН СУВ» — Кўнча, Москва.

«КРАСНОДОНДАГИ МАНГУ АЛАНГА» — Янгиобод.

«ОИЛА» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги.

«АТТРАКЦИОНЛАР ТАЙЁРЛАНАДИГАН УЙ» — Қозоғистон.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МУҲАББАТ ИЗҲОР ЭТИШ» — Навоий номли, Лисунов номли, Ўзбекистон ССР 25 йиллиги, Чайка, Восток.

«НАСРИДДИННИНГ ИЛК МУҲАББАТИ» — Қозоғистон, Тинчлик.

«ЙЎҚОЛИШ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги.

«ТАНГА ИМПЕРАТОРИНИНГ ТУҒАТИЛИШИ» — Қозоғистон (2-зал).

«СУВДАГИ ЖИЛВА» — Дружба.

«КЎҲИТОФ ФОЖИАСИ» — Дружба (2-зал), ВЛКСМ 30 йиллиги, Ҳамза номли.

«ЎТГАН КУНЛАР» — С. Раҳимов номли.

«ТЎП, ҚЎЛҚОП ВА КАПИТАН» — Пионер.

«ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — Ғ. Ғулом номли, С. Раҳимов номли, Навоий номли, Лисунов номли, Ҳамза номли, Тошкент Советининг 50 йиллиги, Ўзбекистон ССР 25 йиллиги, ВЛКСМ 30 йиллиги, Ғунча, Қозоғистон, Чайка, Кўнча, Пионер, Нукус, Москва, Дружба, Фестиваль, Мир, Восток, Янгиобод, Тинчлик.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/XII да **Дон Карлос**, 27/XII да **Оққуш нўли**, 28/XII да **Сўғд элининг қоплони**, 29/XII да **Спартак**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/XII да **Келинлар кўзголони**, 28/XII да **Рўйхатларда йўқ**, 29/XII да **Олтин девор**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/XII да **Қизил дуррали нозик ниҳолим**, 28/XII да **Зебизебона** (премьера), 29/XII да **Тошкентнинг нозанин малиқаси**.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1979 йилда

«ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ ВА КЎРСАТАМИЗ» РАДИО-ТЕЛЕВИЗИОН ПРОГРАММА

фақат «СОЮЗПЕЧАТЬ» магазинлари ва киоскаларида, ҳар бир алоқа бўлимида

СОТИЛАДИ

ПРОГРАММАНИНГ 1979 ЙИЛГИ БИРИНЧИ СОНИ ШУ ЙИЛ 28 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА КУНИ ЧИҚАДИ.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

26 ДЕКАБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

17.55 «Ёшлар адреслари». Ёшлар телевизион программаларининг Горький шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ фестивали якунлари. 19.00 «Ўйнаб қўшиқ айтамиз». 19.15 «Оламда нима гап?» 19.30 «С. Рахманинов романси». Телевизион фильм. 19.40 «Фаластиниликлар: яшаш ҳуқуқи». Ҳужжатли фильм премьераси. 20.20 «Пазандалар конкурсга келишди». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Валет ҳанида». СССР халқ артистлари Е. Максимова ва В. Васильевлар ижоди. 23.45 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Биз сенинг содиқ ўринбосарингмиз, комсомол». 18.30 «Миллион лар ленинча университети». «Ривожланган социализм Конституцияси». 18.50 «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги». Кўрсатувни шоирa Эди Огнецвет олиб боради. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Кино оламида». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Лазги» ансамблининг солистлари Олмагул ва Ўрбигул Суербоевалар концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.25 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм. 1-серия. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Қизиқарли математика». 19.30 Германия Коммунистик партиясининг 60 йиллигига. «Қизил альпиниистлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 10-ва 11-серилар (рус.). 20.20 «Ўқитувчи экрани». 20.50 Тошкент янгиликлари. 21.10 «Тошкент» телепрограммаси. «Болалар учун товарлар» (рус.). 21.40 «Узоқ Шарқ экспресси». Телевизион ҳужжатли фильм.

27 ДЕКАБРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.00 «Пазандалар конкурсга келишди». Телевизион бадиий фильм. 11.10 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.00 «Қишлоқ: ишлар ва муаммолар». 16.25 Чанги спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. Эрказлар. 30 километр. Красногорскдан олиб кўрсатилади. 17.40 «Горичилар, қаердасиз!» 18.10 «Атоммаш» биринчи навбат ишга туширилди». Телевизион очерк. 18.40 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 19.15 «Оламда нима гап?» 19.30 «Ягона қардошлик оиласида». Белоруссия ССР ва Белоруссия Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг раиси И. Е. Поляков сўзи, «Она ерим — ўз тақдирим». Ҳужжатли фильм премьераси. Белоруссия санъат усталарининг концерти. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Қадимий рус водевиллари кечаси». 23.55 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Тўс-тўполон». Болалар учун мультфильм. 18.15 «Ҳаёт наби тирик». 18.45 «Халқ контроли экрани». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Зулфия. «Сўроқлайди шоирни шеърим». 19.45 «Олтин водий куйчиси». Телевизион фильм-концерт. 20.10 «Ахборот» информацион программаси. 20.30 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевиденияларининг биргаликдаги программаси. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм. 2-серия. 23.15 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. «Университет» (Тошкент) — «Светлана» (Ленинград) Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг спорт комплексидан репортаж (эзиб олинган). 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Инглиз тили. 19.30 «Қизил альпиниистлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 12-ва 13-серилар (рус.). 20.20 Ўқитувчилар учун консультация. 20.50 Тошкент янгиликлари. 21.10 Реклама. 21.25 «Енгилдан эҳтиёт бўлинг!» (рус.).

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Қиш фаслининг энг қувноқ байрами — 1979 йилнинг Янги йили бошланишига саноқли кунлар қолди. Анъаналарга биноан Янги йил арафасида биз сиз билан туғишганларимиз, яқин биродарларимиз ва ўртоқларимизга ёки бўлмаса ўзимиз учун, хонадонимиз учун зарур бўладиган буюмларни сотиб олишга одатланганмиз.



МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИНИНГ САВДО ЗАЛЛАРИДА

БАЙРАМОЛДИ САВДОСИ КЕНГ АВЖ ОЛДИРИБ ЮБОРИЛДИ.

Магазиннинг барча савдо заллари кун бўйи харидорлар билан гавжум.

УНИВЕРМАГИМИЗНИНГ СЕКЦИЯЛАРИДА ҚУЙИДАГИ РАНГ-БАРАНГ БУЮМЛАР ЕТАРЛИ АССОРТИМЕНТДА МУҲАЙЯ ЭТИЛГАН:

ранг-баранг материаллардан турли хил кўринишда нафисона ишланган сувенирлар;

чиройли қутичаларга безаб солинган хушбўй атирлар ва совғали қутичалар;

қишбоп либосларни тикиш учун шойи ва майин жунли газламалар ва тўқимачилик буюмлари;

хотин-қизлар ва эркаклар учун аталган пойафзаллар, кўн-галантерея;

ясаниб кийиниш учун жун рўмоллар ва эркакларнинг замонавий костюмлари;

эркакларнинг кўйлаклари;

устки трикотаж, ички трикотаж кийимлари ва пайпоқлар;

албатта маданий-маиший мақсадлардаги моллар—радиоприёмниклар, телевизорлар ва радиолалар сизга мунтазир.

Янги йил базми оқшомида мириқиб эшитиш учун биз эстрада, опера ва симфоник музика ҳамда Совет Иттифоқининг таниқли артистлари ижросида СССР халқларининг музика асарлари туширилган граммпластинкаларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

31 ДЕКАБРЬ — ЯКШАНБА КУНИ УНИВЕРМАГ ОДАТДАГИДЕК СОАТ 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

ЦУМГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

28 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.30 да

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўрик-конкурсининг дипломанти

ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК

«ЛАЗГИ» ансамблининг

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ Гулсара ЁҚУБОВА

Карфагенда бўлиб ўтган XI жаҳон фестивалининг лауреатлари: Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА, Ўрбугул СУЙЕРБОЕВА

Солистлар: Матназар ХУДОЙНАЗАРОВ, Раъно ЖУМАНИЁЗОВА, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Нурима ТЎХТАОХУНОВА ва бошқалар.

ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери— Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар РАҲИМОВА.

Музика раҳбари— Нажот ТЎРАҲЎЖАЕВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ МЕҲНАТ БЎЛИМИ ҚОШИДАГИ

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ ШАҲАР БЮРОСИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА МАВЖУД БЎЛГАН КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

ШУ НАРСАНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ МАРКАЗИЙ БЮРОСИ ВА РАЙОН ПУНКТЛАРИ

1979 йилда ишчи ва хизматчиларнинг кераклиги тўғрисида ахборотлар ташкил қилиш юзасидан

ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИЛАР

Шартнома тузишга улгурмаган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюросининг хизматидан фойдаланмайдилар.

ИШЧИЛАР, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАР ВА ХИЗМАТЧИЛАР КЕРАКЛИГИ ТЎГРИСИДА АХБОРОТЛАРНИ МАТБУОТ, РАДИО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ОРҚАЛИ БЮРОНИНГ РУХСАТИСИЗ ТАРҚАТИШ ТАҚИҚЛАНАДИ.

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ МАСАЛАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИНГИЗ:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти—Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти— Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 37-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. Икромов район пункти — 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — район ижроия комитети, Қизил Армия майдони.

ДОИМИЙ ИШГА

қўлда ҳарф терувчилар ва линотипистлар, печатниклар ва уларга ёрдамчилар, қаоул қилиб олувчилар, совутиш қурилмалари бўйича инженер, саноат вентиляциясига хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича слесарь, қозон қурилмаларн бўйича слесарь, сантехниклар, электромонтёрлар, электрослесарь, лифт бўйича электротехник, алоқа электромонтёри, токарь, слесарлар, полиграфия ускуналарини созловчи ва ремонт қилувчи слесарлар, қоғоз қирқувчилар, аккумулятор разрядчилари, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, вахтёрлар, ўт ўчириш жангчилари, идиш-товоқларни йиғиштириб олувчилар, қурилиш касбларига эга бўлган ишчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

«Узпромвентиляция» трестининг ўқув пункти

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курслар вентиляция системалари монтажи бўйича слесарь-вентиляционниклар. вентиляция системаларига деталлар тайёрлаш бўйича слесарь-вентиляционник л а р тайёрлаб чиқаради.

КУРСЛАРГА 17 ЯРИМДАН 40 ЁШГАЧА БЎЛГАН 8—10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ КИШИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Курсга қабул қилинганларга ойига 76 сўм ҳажмида стипендия тўлаб борилади.

Машғулотлар группаларнинг комплектланишига қараб бошланади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700047 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй 3-қават трест кадрлар бўлими.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-56-85 шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95 спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 38-81-42, нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

26 ДЕКАБРЬ, 1978 й. Р 07980. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д — 1498.